

ҲАДДИДАН ОШГАН ТЕКШИРУВЧИЛАР



ТЎҚЛИККА ШЎХЛИКМИ?

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ҚИССАСИ

(1-2-саҳифаларда)

(2-саҳифада)

(1-4-саҳифаларда)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



16 сентябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлисга Самарқанд вилоятдан сайланган депутатлар иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов нутқ сўзлади.

Ҳаммангизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақда фармон Олий Мажлисининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди, деди Президентимиз.

Мана шундай қарорга келишимизга сабаб бўлган асосий бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Ўйлайманки, барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодийотини ривожлантириш, ислохотларни кенг қўламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги ҳаёт куриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, авваломбор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур.

Бундай талаб авваломбор

юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказиладиган ислохотларга бошқорув бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мутасадди шахсларга тегишли десак, ҳато бўлмайди. Яъни ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар вилоят турган вазифаларини инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларни жойлардаги аҳвол ва муаммоларни чуқур билладиган етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жаҳият, элчи бошқарувда бундай вазифада албатта ишнинг негизини билладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб бўлган, ақли катъий, тадбиркор ва ҳушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолияти билан халқ орасида хурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўлланши, уларга оқ фотиха бериши шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳусоблайман.

Президент сессия қатнашчилари эътиборини яна бир масалага қаратди.

Бугунги кунда ислохотлар ислохот учун эмас, ислохотлар аввало инсон учун, деган фикри биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда халқимизнинг асосий қисми, яъни қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг таъшиш-муаммолари, эҳтиёжларидан ҳабардор бўлиш ва уларни ўз вақтида ҳал қилиш - барча раҳбарлар, халқ ишонч билдирган сиз, депутатлар ва фаолларнинг асосий бурчи экани ҳақида ортқча гапирининг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Айни вақтда бугун қишлоқ хўжалигидаги вазият - аввало, кейинги йилларда мамлакат бўйича тупроқ унмдорлиги сезиларли даражада пасайиб, суғориладиган майдонларнинг 50 фоизидан кўпроги турли даражада шўрлангани, умуман, экологиямиз бузилиб бораётгани ва шу каби бошқа оғир муаммолар соҳа ривожига нақадар салбий таъсир ўтказиб қолгани ҳам барчангизга яхши аён.

Табиий қийинчиликлар, об-ҳаво инжиқликлари ўз йўли билан, аммо бизнинг ишимизга халатли бераётган яна бир қанча субъектив сабаблар, гов-тўсиқлар ҳам борки, бу муаммоларни ечиш учун жойлардаги аҳволни яхши билладиган, минтақаларнинг дарди билан ақиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилишимиз керак.

Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ хўжалигидаги бундай мураккаб вазиятни ўнглаш учун бу масъулиятни вазирад топирилган одамларга тегишли ваколат ҳам берилиши лозим.

Ҳаёт-мамотимизни белгиладиган маъқур соҳани бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллик ва катъиятлик билан ҳаётга жорий этиш учун бошқариш тизимининг энг юқори поғонасидан энг қуйи лавозимгача ишчи ана шундай хусусиятларга эга бўлган инсонларга топиришимиз зарур.

Босиб ўтган йўлимиз, таърибамиз шунки кўрсатмоқдаки, ҳукуматни бошқарадиган одам бевоқифа жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб, мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши, лўнда қилиб айтганда, шу муаммоларнинг қозонида қайнаган бўлиши керак. Ва бундай билим ва таъриб ана шу масалаларни ечишда халқ қилувчи роль ўйнаши шубҳасиз.

Юқорида зикр этилган мана шу омилир, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги бугунги ҳукумат сиёсатини ҳақиқатан ҳам кескин ўзгартириш, уни минтақа ва ҳудудларнинг муаммоларига яқинлаштириш масаласини инобатга оладиган бўлсак, шу талабларга жавоб берадиган ҳукумат раҳбарининг айнан минтақадан қўйилиши табиий қонуният, деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳақида гапирадиган

бўлсак, сизлар яхши биласизки, дастлаб у Тошкент шаҳрида бир неча йил туман ҳокими вазифасини бажарди. Кейин эса Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари лавозимда ҳам фаол иш олиб борди. Мирзиёев билан Жиззахда бирга меҳнат қилган одамларнинг вилоят микросида катта-катта ишларга бош-қош бўлганини халқибери яхши эслайди.

Кейинги икки йил давомида у Самарқанд вилоятини бошқариб келди ва шу қисқа давр ичида воҳа ҳаётида - нафақат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар билан тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошқариш қувватларида, кўп-кўп ижобий бунёдкорлик ишларини - бу қурилиш ёки ободончилик, тиббиёт ёки таълим соҳаси бўладими - умуман, халқнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган ишларни амалга оширишда Самарқанд ахли унинг раҳбарлигида катта ютуқларга эришди.

Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамадан, вилоят меҳнатқиллари каттиқ меҳнат қилиб, пахта ва галла бўйича шартнома режаларини бажаришга эришганини айтиш қийин, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай жиддий ўзгаришларни бошқа жаҳабларда, жумладан, ижтимоий соҳа ривожига ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, сўнги пайтда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асоси бўлган

табиий газ ва ичимлик суви таъминоти масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Охириги икки йил мобайнида 800 километрдан зиёд газ тармоғи тортилиб, 100 дан ортқ қишлоқ табиий газ билан, шунингдек, қарийб 400 километрлик сув тармоғи барпо этилиб, 115 та қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминлангани бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Шулар қаторида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 90 та маҳалла гузари, 31 та қишлоқ-врачлик пункти, 6 та иттиқлашган шифохона, 880 минг квадрат метр уй-жой қурилгани, ўнлаб янги мактаб, лицей-коллежлар, маданият-маиший ва спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам бу ерда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатади.

Нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун вилоят қиёфасини ўзгартириб юборган бундай қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида узоқ гапириниш мумкин.

Албатта, бундай улкан ишларни ва режаларни амалга оширишда аввало шу юртнинг ватанпарварлари, фидойилари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин буларнинг барчасини бошқариш, одамларни катта марраларга, керак бўлса, зафарларга қорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш - бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди, десам, бу ҳам ҳақиқат.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Ҳиндистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва таълим Департаменти ўртасида илмий-техник ҳамкорлик қилиш юзасидан битим имзоланди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштиришга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Темурийлар тарихи давлат музейида Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ва унинг бугунги кундаги аҳамиятига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Қадимги Тошкент» археологик кўргазмаси очилди.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида атоқли драматург, шоир, журналист ва таржимон Шамсиддин Шарофидинов - Хуршид таваллудининг 110 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Қорақалпоқ адабиётининг забардаст вакили, шоир Бердмурод Қаргабой ўғли - Бердақ таваллуфига 175 йил тўлди. Шу муносабат билан «Қорақалпоқистон» нашриётида шоирнинг танланган асарлари қайта нашр этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Андижон тиббиёт институтида ёшга боғлиқ морфология ва антропологиянинг дэлзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

«Навоийсавдо» ҳиссасдорлик жаҳиятига қарашли «Олтин тери» қишлоқ корхонасига Германиянинг «Флайснер» фирмасидан замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди.

Ёш музикачиларнинг «Санъат гўнчалари» республика кўрик-танлови якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 16 декабрь

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ РЕЖЕП ЭРДОҒАННИНГ ЎЗБЕКISTONГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган шу йил 18-20 декабр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ТААССУФ
Узун туманидаги «Шухрат-1» хусусий фирмаси бошлиғи Рисолат Пардаева жуда хурсанд эди. Ишлари авжланаяпти. Даромади ҳам яхши... Бироқ кутилмаганда боши гавгода қолди.

Банкдан «Шухрат-1» хусусий корхонаси топширган нақд пулларни ҳақида нотўғри маълумотлар берилганда. Унда «Шухрат-1» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ўрнига «Шухрат» фирмаси деб

ҚОНУННИ БУЗГАН СОЛИҚЧИЛАР
номи ўзгартириб ёзилди. Ва хусусий фирманинг режадаги 2000000 сўм нақд пул ўрнига бир сўм ҳам топширмаганлиги кайд қилинди. (Аслида хусусий фирма банкка нақд пул тушуми режасини бажарганди. Бу ҳақда кейинроқ). Бепарволик ва масъулиятсизлик билан тайёрланган маълумотнома Узун туман ҳокимлиги ва туман солиқ инспекцияси ходимларига тақдим этилди. Ана шу эътиборсизлик боис тадбиркор бошида тегиримон тоши айлана бошлади...
(Давоми 2-бетда)

Сиз «Қишлоқ Ҳаёти» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?
Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

ИСЛОХОТ
Ернинг ҳар қаричи олтинга тенг, дейдилар. Тупроғини эласанг, зар олсанг, таёқ тиксанг - кўкаради! Меҳр кўрсатсанг бутун элни боқадан. Шу боис мустақиллик йилларида икки миллиондан ортқ аҳолига деҳқончилик қилиш учун ер ажратиб берилди.

Етмиш мингдан ортқ мустақил фермер хўжалиқлари ташкил қилинган. Булардан нишондари.

МАЪЛУМОТ, МАСЛАҲАТ - ПУЛ ДЕГАНИ
лар, қишлоқ аҳолисини фаровон ҳаёт кеңириши учун Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўрсатилган катта эътибордан нишондари.
Дадилларга эътибор берсак, деҳқон ва фермерлар меҳнатининг махсули мамлакат иқтисодиётида қанчалик кенг ўрин эгаллаётганини гувоҳи бўламиз. 2002 йилда республикада ишлаб чиқарилган пахтанинг қарийб 20, галланинг 41, картошканинг 92, сабзавот ва поллиз экинларининг 83, гўшт ва сутининг 97 ва туҳумнинг 64 фоизи деҳқон ва фермерлар томонидан етиштирилган.
(Давоми 3-бетда)

САЁТЛАР
Минтақамизнинг турли ҳудудларида Саёт, Саётли, Сайёд, Саатлар, Саётёп, Саётариқ, Соян каби туман, қишлоқ, элат, уруг ва жой номларини учратиш мумкин. Фикримизни ўзбек миллий комунисининг 9-жилд, 428-саҳифасидаги қуйидаги сатрлар билан исботлаб, мавзунини давом эттирамиз.

«Саёт, Саётли, саётлар - туркий қавмлардан бири бўлиб, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида асосан Амударё бўйларида яшаганлар. Саётлар Хоразмда 450 киши Чимбой туманида Қорақалпоқистонда 300, Зарафшон водийсида 359 киши яшаган. **МОЗИЙ** Қашқадарё вилояти-юқори қисмида ва Самарқанд шаҳрида ҳам оз миқдордаги саётлар истиқомат қилишган...»

Сўнги йилларда нашр этилган манбаларда эса саётларнинг сони ва жойлашиш ўрни биз ўйлаганимиздан кўра хийла кенгрок бўлиб чиқмоқда. Жиззах вилоятининг Фориш, Самарқанднинг Оқдарё туманларида, Қозғоқистон, Озарбайжон, Туркия, Эрон, Ироқ, Россия каби мамлакатларда шу номдаги шаҳар, туман, қишлоқ ва овуллар мавжуд экан.
Олимлар туркий қавмларнинг бир тармоғи ҳисобланган саётлар тарихига доир топонимик далиллар таҳлили бу уруннинг эрамиздан аввалги Сак-Массагет қабилалирига бориб тақалишидан далолат беради.
(Давоми 4-бетда)

ХИКМАТ
Сизлардан бир киши ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича ва ёмон кўрган нарсани биродарига ҳам етмаслигини тиламагунича имони мукамал бўлмайди.
(Ҳадиси шариф).

ЎКИДИНГИЗМИ?

"САОДАТ"

Журналнинг янги сони нашрдан чиқди. Абларимизнинг сирдоши, уй бекаларининг хамсуботи, жамиятимиздаги фаол хотин-қизларнинг минбари бўлган мажмур нашр ҳам ўз ўқувчиларига турфа мавзуларда ҳаёт гулдаста тайёрлаган.



Аёл қалбининг гўзал кечинмалари билан ошно бўласиз. Зулхумор Солиеванинг "Кўзлар алдамайди" мақола-суҳбати Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева суҳрати ва сайратига чиройлигина чиққидир. Нодира Афоқованинг "Тақдир чизиги" хикояси эса болаликнинг ёрқин хотиралари намунаси. О.Отамуродованинг "Учиб кетманг, севги қушлари", Маъсум Ахмедованинг "Дераздан ой мўрамоқда, кўзда эса уйку йўқ..." сингари мақолаларини кўнгил титроғининг оққа тўқилмоғи деб қарамок керак.

"ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ"

Журналнинг 4-5-сонлари қўлимизда. Варақлаймиз - ўзбек журналистикасининг бугунги қиёфаси, таҳлили билан танишасиз. Журнал ўзига хос тарзда, матбуотимиз кўзгуси шаклида намойиш бўлган. Ҳар бир мақоладан бугунги кун журналисти нимадир ўрганиши мумкин.

Қизини, танқид ва таҳлилга кенг ўрин берилган. Холислик устун. Мақолалар пухта, пишиқ. Долзарблик сезилади. Марҳумат, "Спорт шарҳловчиси"нинг тили, "Бош муҳаррирлар учрашганда", "Бевоқифа кўрсатувлар моҳияти", "Хабарлар рақобати", "Журналист маҳорати", "Онг ва ихтилолий бурч" ва бир қатор бугунги нашрлар ва фаол журналистлар ҳақидаги мақолалар ўқувчи онига чақмоқдай таъсир қилади.

"ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ"

Маъжур нашрнинг 2-3-сонлари ўқувчилар қўлига етиб борди. Имом-этиқод нури, дил поклиги, кўнгил мунаваарлигига бошлагувчи маънавий-маърифий, илмий-адабий журналнинг бу сонидан ҳам чуқур билим ва таҳлил билан берилган мақолалар ўқувчи қалбига маънавият чирогини ёқибди шуҳасиз.

Журнал бош муҳаррири Зоҳидилло Мунаваровнинг Ватан ва эл тинчлиги, она тупроқ қадр-қиммати, миллат шаъни, истиқлол шукҳи ҳақидаги мақоласи билан бошланади. "Бизнинг мулоқот" руҳида эса Бобур халқаро жамғармасининг раиси Зокиржон Машрабов билан "Султон суягин хўрламас" сарлаҳасида суҳбат уюштирилган. Бундан улуғ болаларимизнинг ўзга эл тупроғида қолган қабрлари, уларни таъмирлашга давлатимиз томонидан кенг эътибор қаратилгани, жумладан Хирот шаҳрида ҳазрат Навоий мақбарасини таъмирлаш ишлари Президентимиз томонидан тақдир қилинганлиги, Навоий қабрини қайтадан тиклаш мақсадида лойиҳа тайёрланганлиги ҳақида гап боради. Улуғларимизнинг юртимиздан ташқаридаги зияратгоҳларининг таъмирланишига эътибор қаратиш келajak авлод хўнглига маънавий кенглик нурини синдириш билан боғлиқ муҳим ҳодиса эканлиги далиллар орқали шарҳланади.

Журналдаги ҳар бир мақола ўқувчининг эъқолини, дунёқарашини чиғирқидан ўтказиши шубҳасиз.

К.НОРҚОБИЛОВ

(Боши 1-бетда) Шу гап-таштак баҳонасида Абдуллажон ақиннинг синфдош дўстлари билан яқиндан танишдик. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Кўргонтепа туман ҳокимлиги қошидаги кутубхона ходими Дилнозахон Гофурова китобсеварларга яқиндан кўмак бериши ўзининг бурчи деб билади. Фонддаги ҳар бир китобни кўз қорачиғида асрашга интилади. Муҳими, у ўз ишининг чинакам жонкуяри.

СУРАТДА: кутубхоначи Дилнозахон Гофурова маънавият ва маърифат маркази раҳбари Муножаб Каримова билан китобхоналарга намуналик хизмат кўрсатиш хусусида суҳбатлашмоқда.

Х.АРАББОВЕВ олган сурат.

ЎПКАСИНИ ЎҚ ТЕШГАН НОРАСИДА Париж шаҳрида истиқомат қиладиган инглиз оиласида норасида туғилди. У юраги касал бўлиб туғилганлиги сабабли, хирурглар операция қилишди. Операция пайтида хирурглар унинг кўрағидан металл парчасини топишди. Металл олинган, боланинг юрак патологияси яхши ишлаб бошланди.

Ўқинг, қизиқ!

Қидирбой Тўлабоев

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Кўргонтепа туман ҳокимлиги қошидаги кутубхона ходими Дилнозахон Гофурова китобсеварларга яқиндан кўмак бериши ўзининг бурчи деб билади. Фонддаги ҳар бир китобни кўз қорачиғида асрашга интилади. Муҳими, у ўз ишининг чинакам жонкуяри.

СУРАТДА: кутубхоначи Дилнозахон Гофурова маънавият ва маърифат маркази раҳбари Муножаб Каримова билан китобхоналарга намуналик хизмат кўрсатиш хусусида суҳбатлашмоқда.

Х.АРАББОВЕВ олган сурат.

ЎПКАСИНИ ЎҚ ТЕШГАН НОРАСИДА Париж шаҳрида истиқомат қиладиган инглиз оиласида норасида туғилди. У юраги касал бўлиб туғилганлиги сабабли, хирурглар операция қилишди. Операция пайтида хирурглар унинг кўрағидан металл парчасини топишди. Металл олинган, боланинг юрак патологияси яхши ишлаб бошланди.

Ўқинг, қизиқ!

Қидирбой Тўлабоев

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда. Ҳаётдан қайтганимизга мана ҳафта ўттиптики, бир воқеа, аниқроғи, Шерали ака деган инсон қисмати, унинг ибратли ҳаёти хаёлимизда.

Кўргонтепа туман ҳокимлиги қошидаги кутубхона ходими Дилнозахон Гофурова китобсеварларга яқиндан кўмак бериши ўзининг бурчи деб билади. Фонддаги ҳар бир китобни кўз қорачиғида асрашга интилади. Муҳими, у ўз ишининг чинакам жонкуяри.

СУРАТДА: кутубхоначи Дилнозахон Гофурова маънавият ва маърифат маркази раҳбари Муножаб Каримова билан китобхоналарга намуналик хизмат кўрсатиш хусусида суҳбатлашмоқда.

Х.АРАББОВЕВ олган сурат.

ЎПКАСИНИ ЎҚ ТЕШГАН НОРАСИДА Париж шаҳрида истиқомат қиладиган инглиз оиласида норасида туғилди. У юраги касал бўлиб туғилганлиги сабабли, хирурглар операция қилишди. Операция пайтида хирурглар унинг кўрағидан металл парчасини топишди. Металл олинган, боланинг юрак патологияси яхши ишлаб бошланди.

Ўқинг, қизиқ!

Қидирбой Тўлабоев

SPORT OLAMIDA

САНТО-ДОМИНГО КУРАШЧИЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида ўзбек кураши бўйича Пан-Америка чемпионати бўлиб ўтди. Эътиборлиси, чемпионат доирасида Пан-Америка кураш конфедерациясининг конгресси ҳам ўтказилди. Унда конфедерацияга янги аъзолар қабул қилиниб, курашни ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди. Келгуси йил май ойида ўзбек кураши бўйича навбатдаги Пан-Америка чемпионатини Доминикан Республикасининг Санто-Доминго шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Спортнинг ўқ отиш тури бўйича ўтказилган Қозоғистон кубоги мусобақалари мамлакатимиз мерганларига омад келтирди. Ўзбекистон терма жамоаси вакили Иван Шаҳов ВП-6 ҳамда МВ-9 машқида биринчи, МВ-6 баҳсларида иккинчи ўринни эгаллади. МВ-6 машқида биринчи ўрин бошқа бир мерганимиз Вячеслав Схромовга насиб этди. Шунингдек, у ВП-6 беллашуварларида иккинчи поғонани банд этди. Сергей Вяземцев ТП-3 машқида кумуш медал соҳиби бўлди. 18 ёшли Азизжон Муҳаммадраҳимов кичик калибрли милтик ва пневматик тўппончадан ўқ отишда жамоамизга 2 та олтин медални тўхта этди. Дарвоқе, мусобақада қатнашган хамюртларимиз Елена Дронина ва Яна Фатхиллар ҳам яхши кўрсаткичларни кайд эттишди. Елена кумуш, Яна бронза медалини кўлга киритишди.

РИНГДА - ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР

Италияда ҳарбийлар ўртасида ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида 28 та мамлакатдан ташириф бююрган чарм кўлқоп усталари орасида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни кўлга киритди. Ушбу мусобақада иштирок этган 9 нафар боксчимиз 2 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронза медалларини эгаллашга муваффақ бўлишди. Шеразод Хусанов ҳамда Дилшод Махмудовларга жаҳон биринчилигида тенг келадиган рақиб топилмади. Дарвоқе, Дилшод Махмудов жаҳон чемпионатининг энг яхши боксчиси деб топилди.

ФИНАЛДА БРАЗИЛИЯ ВА ИСПАНИЯ

Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионати ярим финал баҳслари финалчиларни аниқлаб берди.



Бразилия - Аргентинани, Испания - Колумбияни бир хил, 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Эртага учинчи ўрин учун Аргентина ва Колумбия терма жамоалари майдонга тушишса, жаҳон чемпионлиги учун кураш Испания - Бразилия терма жамоалари ўртасида кечади.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

ТАРКИБ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Россия чемпиони ЦСКА футболчилари янги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборишди. Янги бош мураббий Артур Жорж ишни таркибни кучайтиришдан бошлади. У Россия термаси аъзолари Евгений Алдонин ва Сергей Игнашевичларни жамоасида қўришни хоҳламоқда. Евгений Алдонин мавсумини "Ротор"да ўтказди, терма таркибиде Евро - 2004 саралаш баҳсларида 11 учрашда иштирок этди ҳамда мамлакат чемпионатининг энг яхши марказий ҳимоячиси сифатида тан олинди. Сергей Игнашевич эса "Локомотив" таркибиде ўзининг сермажсум мавсумини ўтказди. У ҳам терма билан Евро - 2004 баҳсларида 12 бор майдонга тушиб, 3 бор гол киритди. Бундан ташқари у "темирўлилар"нинг Европа чемпионлар лигасининг 1/8 финалга чиқишига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

ЗИДАН - ДУНЁДА ТЕНГСИЗ

ФИФА томонидан 1994 йилдан бери аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган "Жаҳоннинг энг кучли футболчиси" номига бу йил "Реал" ва Франция терма жамоаси зрим ҳимоячиси Зайиддин Зидан учинчи мартаба сазовор бўлди. У 1998 йил жаҳон, 2000 йил Европа чемпиони сифатида ушбу европонни кўлга киритганди. Шу тариха ҳаммадан кўп овоз олган кириоллик клуби "заргарин" ўз ҳамюрти Терри Анри ва жамоадoshi Роналдодларни ортда қолдирди.

РАҚИБ "МОНАКО"

Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси 1/8 финал йўлланмасини кўлга киритган Москванинг "Локомотив" жамоаси рақиб Франциянинг "Монако" клуби бўлди.



Хозирданок тайёргарликни бошлаб юборган Юрий Семин шогирдлари рақиб тактикасини ўрганиш мақсадида дастлаб Францияда йиғин уюштиришмоқчи. Улар келгуси йил 12-24 январ кунлари ушбу мамлакатда, кейин Германия ва Испанияда бўлишди.

Бундан ташқари, жамоа янги ўйинчиларни харид қилишга ҳам киришган. Латвия терма жамоаси ва Москванинг "Динамо" клуби ўнг қанот ариям ҳимоячиси Девидас Чеснаускас "темирўлилар" аъзосига айланди.

ИНТЕРНЕТ Хабарлари асосида Фаэлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

ТУРСУНХОН АЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАЙНАНИНГ ФОЙДАСИ ВА ЗАРАРИ

сиятидир, - дейди мутахассис Эммурад Шерназаров. - Поллопонларни асраш учун хатто ўзини қурбон қилишга тайёр. Бу бошқа қушларда учрамайдиган хусусият. Манбаларда келтирилишича, афгон майнаси ўтроқ қуш бўлиб, унинг асл ватани Афғонистондир. У Хиндистон, Бирма, Покистон, шунингдек, Марказий Осиё давлатларида ҳам кенг тарқалган. Майналарнинг яшаш тарзи, кўпайиши ва мослашувчанлик хусусияти кўпала олимлар томонидан ўрганилган. Лекин уларнинг эпидемиологик аҳамияти маълум эмас. -Мутахассислар афгон майнасини республикамиз ҳудудида дастлаб 1912 йили кузатишган, - дейди профессор Даниил Кашкара. - Бу қушлар ҳар қандай шароитта тез мослашади. Тадқиқотлар натижасига кўра майналар бир йил давомиде 30 км дан кўпроқ масофага тарқалиб улғу-қушларни йил бўйи учратиши мумкин. Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, майналар асосан турар жой биноларининг томлари, қалин даракхотларнинг шохлари ва бутазорларда ил қуради. Илари 2 метрдан 20 метргача баландликда бўлиши мумкин. Хатто 3100 метр баландликда ҳам, яъни Туркистоннинг Кумбел довоинида майна илларни топилгани, бу илларнинг ҳар қандай шароитта мослашувчанлигини исботлайди. Бу қушларнинг фойдали хилхатлари ҳам бисёр. Масалан, экин майдонларини зараркунанда ҳашаротлардан тозалайди. Жумладан, умуртсизларнинг 30 дан ортиқ тури уларнинг озуқа манбаи ҳисобланади. -Майналар март ойида жуфт-жуфт бўлиб ил қуради ва тўхум қўя бошлайди, - дейди овчи Акмал Исмаилов. - Улар 2-3 тадан 4-5 тагача, баъзан 6-7 та хум қўйиши мумкин. Була очил даври 14-15 кун. Бу жараён бир йилда 2-3 марта такрорланади. Поллопонларини озиклантиришга ҳам она, ҳам ота майналар бирдек масъул. Бир ой давомиде ота-ониси қарамоида парвариланган долопонлар қанот чиқариб уча бошлайди. Шундан сўнг она майналар илларини болаларига ташлаб, ўзлари га янги макон топдилар. -Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳар бир нарсада микдор ва мезёр бўлмоғи керак. Масалан, майналарнинг сони кескин ортиши оқибатида қишлоқ ҳўжалиқ экинлари учун фойдасидан қўра зарари кўпроқ теғмоқда. Бу масала хали чуқур ўрганилиши лозим. Бу, албатта, мутахассисларнинг фикри. Ўлкаимиз табиати ранг-баранг, ҳоҳ у қуш бўлсин, ҳоҳ у ҳайвонот олами, уларнинг кўпайиши, урчиши учун қўлай маскан саналади. Фақат уларга инсон томонидан ортиқча захмат етказилмаса бўлгани.

Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Аягит АДИЛОВ, Комилжон МАМАХОНОВ, Сунаат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахриддин ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССАСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидеги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43, котибиат - 136-56-30, Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-372-25-32-23; Бухоро - 8-366-64-615-37; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.